

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ АКРАМЖОН ИКРОМЖОН ЎҒЛИ**

**АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ**  
**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Каримов Акрамжон Икромжон ўғли**

Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар  
бозорини ривожлантириш.....3

**Каримов Акрамжон Икромжон угли**

Развитие рынка ценных бумаг за счет привлечения свободных денежных  
средств населения.....27

**Karimov Akramjon Ikromjon ugli**

Development of the securities market by attracting free funds from the  
population.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ АКРАМЖОН ИКРОМЖОН ЎҒЛИ**

**АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ**  
**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt1216 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Элмирзаев Самариддин Эшкуватович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Карлибаева Рая Ходжабаевна</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Хошимов Элмурод Абдусатторович</b> иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
<b>Ётақчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 07 кунли соат 140 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (192 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темуր кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «24» 06 кунли тарқатилди.  
(2021 йил «24» 06 даги 23 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

*[Signature]*  
**Н.Н.Каландарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий қоғиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фаласафа доктори (PhD), доцент

*[Signature]*  
**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳолининг асосий даромад манбаларидан бири фонд бозори активларидир. «Дунё бўйича қимматли қоғозлар бозорининг капиталлашуви 2010 йилда 50,9 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 68,7 трлн. АҚШ долларини ташкил этган ва унинг глобал иқтисодиётдаги ликвидлилик даражаси 87,6 фоизга, активлар айланмаси 88,4 фоизга тенг бўлган»<sup>1</sup>. АҚШ федерал захира тизимининг маълумотларига кўра «америкаликларнинг 52 фоизи акциядор ҳисобланиб, улардан 10 фоизи қиймати ўртача 969 минг, 40 фоизи 132 минг, қолганлари 54 минг АҚШ доллардан паст бўлган қимматли қоғозларга эгалик қилишади»<sup>2</sup>. Жаҳон тажрибасидан намоён бўлмоқдаки, аҳолининг бўш пул маблағларини инвестицион фаолиятга жалб этишда ва уларнинг даромадларини оширишда қимматли қоғозлар бозори муҳим аҳамиятга эга ҳамда глобаллашув жараёнида мазкур масаланинг долзарблигини янада оширомоқда.

Жаҳон миқёсида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларда асосан қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодиётдаги ўрни, молиявий инструментларнинг турлари ва моҳияти, инвесторларнинг бўш молиявий ресурсларини қимматли қоғозлар бозорига жалб этиш аҳамияти ҳамда фонд бозорини назоратга олиш масалалари қамраб олинган. Бироқ, мазкур тадқиқотларда қимматли қоғозлар бозорини аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш орқали ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар етарлича аниқланмаган. Молиявий ресурсларни фонд бозоридаги рентабеллиги юқори бўлган активларга йўналтириш ва шу орқали уларнинг даромадлигини таъминлаш жиҳатлари ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган. Бу ўз навбатида қимматли қоғозлар бозорига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш юзасидан олиб бориладиган тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда «давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилиши»<sup>3</sup> белгилаб олинган бўлсада, фонд бозорида листингдан ўтган акциядорлик жамиятлари сони ва уларнинг муомаладаги акциялари салмоғи пастлиги, акциядорлик жамиятларидаги давлат улуши юқорилиги, фонд бозорида молиявий инструментлар камлиги, мавжуд активларнинг эса жозибдорлиги ва ликвидлилик даражаси пастлиги, акциядорларга дивиденд тўловлари бўйича кечикишлар ва бошқа муаммолар соҳа ривожига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабдан ҳам, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, унга хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг бўш пул

<sup>1</sup> World Development Indicators: Stock markets - <http://wdi.worldbank.org/table/5.4>

<sup>2</sup> <https://www.financialsamurai.com/what-percent-of-americans-own-stocks/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь, <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

маблағларини кенг жалб этишдаги омил ва муаммоларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва бу соҳада илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш, реал ҳолатни таҳлил этиб, муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш муҳим аҳамият касб этади ҳамда танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодий тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 268-сон «Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 26 апрелдаги 358-сон «Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи ва иккитамчи оммавий таклифларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг асослари, фонд бозорларининг ривожланиш босқичлари ва унга бўш пул маблағларни жалб қилишнинг эволюцияси ва механизмларнинг илмий-назарий, услубий жиҳатларини хорижий иқтисодчи олимлардан M.Ranald, S.Patrick, A.R.William, B.Hiriyappa, K.Dickinson, Carmen Keller, Michael Siegrist<sup>4</sup> ўз илмий тадқиқот ишларида кенг ёритишган.

---

<sup>4</sup> Ranald Michie The Global Securities Market: A History Oxford University Press; 1 edition (January 18, 2007) 412 pages; Patrick S. Collins Regulation of Securities, Markets, and Transactions: a guide to the new environment / Canada. Wiley finance, 585 pages.; William A. Rini Fundamentals of the securities industry/ United States of America/ 2003 240 pages.; Hiriyappa B. Investment management: Securities and Portfolio Management/ New Delhi / New age international (p) limited / 2008 / 235 pages.; Keith Dickinson Financial markets operations management/ WP in GB by TJ Int. Ltd, Padstow, UK – 2015/ 474 pages.;

МДХ давлатларидан ушбу соҳа бўйича фаолият олиб борган иқтисодчи олимлардан А.А.Килячков, Л.А.Чалдаевалар<sup>5</sup> қимматли қоғозлар бозори ва биржа фаолияти бўйича, В.А.Галанов ва А.И.Басов<sup>6</sup> қимматли қоғозлар бозорининг умумий тузилишини ўз тадқиқотларида баён этишган.

Юртимиздаги иқтисодчи олимлардан Ш.Ш.Шоҳаъзамий<sup>7</sup> молия бозорлари ва қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги мавжуд тенденциялар ва умумий муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширган бўлса, С.Э.Элмирзаев акциялар қиймати ва даромадлилигини қимматли қоғозлар бозорига, хусусан потенциал инвесторлар оқимига таъсирини ўрганиб чиққан<sup>8</sup>. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар савдо тизимини такомиллаштириш ва ундаги мавжуд муаммолари бўйича Ф.Т.Мухамедов, мазкур йўналишда соҳа олимларидан Ж.И.Каримкулов, Ш.Н.Султонов, У.Р.Халиков, Х.Х.Худойқулов, Қ.Р.Чинқулов<sup>9</sup>лар ўз илмий тадқиқотларини олиб боришган ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

қимматли қоғозлар бозорига бўш пул маблағларини жалб қилишнинг назарий-услубий эволюциясини очиб бериш;

аҳолининг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига жалб қилиш моделлари ва қиёсий таҳлиллари бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ва унинг ривожланиш босқичларини, аҳолини бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига жалб қилиш амалиётини таҳлил этиш орқали илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

---

Carmen Keller, Michael Siegrist "Investing in stocks: The influence of financial risk attitude and values-related money and stock market attitudes" Journal of Economic Psychology, Volume 27, Issue 2, April 2006, Pages 285.;

<sup>5</sup> Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Уч. П.-М: Экономистъ, 2005г. – 687 с.

<sup>6</sup> Галанов В.А., Басов А.И. Рынок ценных бумаг: Учебник –М.: Финансы и статистика, 2004 г. – 448 с.

<sup>7</sup> Шоҳаъзамий Ш.Ш. Системное развитие рынка ценных бумаг в регулятивной взаимосвязи с реальной экономикой/Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. – 448 с.;

<sup>8</sup> Элмирзаев С.Э. ва бошқалар Молия бозори. Дарслик –Т.: Иқтисод-Молия, 2019-324 б.

<sup>9</sup> Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари. И.ф.д. илм. дар. олиш учун дис. автореф. -Т.: ТМИ, 2019. – 76 б.; Каримкулов Ж.И. Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш йўллари. И.ф.н. ил. даража. олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 20 б.; Халиков У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф. б. ф. д. (PhD) дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф.–Т. БМА. 2017 й., – 54 б.; Худойқулов Х.Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизминини такомиллаштириш. И.ф. б. ф. д. (PhD) дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф.–Т.: БМА. 2018 й., – 24 б.; Чинқулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф. б. ф. д. (PhD) дар. ол. уч. ёз. дисс. автор.-Т.: ТМИ. 2019 й., – 66 б.

қимматли қоғозлар бозори орқали бўш пул маблағларини жалб этишда акцияларни бирламчи (IPO), иккиламчи оммавий таклифи (SPO) жараёни ва унинг таҳлилини амалга ошириш;

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорига молиявий маблағларни жалб қилишни эконометрик моделлар орқали баҳолаш;

ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш тажрибасини таҳлил этиш;

қимматли қоғозлар бозорига аҳолининг бўш маблағларини жалб қилишдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига жалб қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик ва эксперт баҳолаш, корреляцион ва регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

узоқ муддатли лойиҳалар бўйича қатъий фоизли корпоратив облигацияларни аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозорида очик жойлаштириш таклиф қилинган;

пулнинг вақт бўйича қиймат концепциясини киритиш орқали дивидендларни тўлашда кунлик сарфланадиган вақтни 2 бараварга ҳамда ташкилий харажатларни 15 фоизга камайтириш асосланган;

фонд бозорига инвестициялар йўналтиришда йиллик инфляцион кутилмаларни ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозлар бозор баҳоси прогнози орқали молиявий активларнинг ойлик сотиб олиш ва сотишнинг нисбий чегараси белгиланган;

SPO (иккиламчи оммавий таклифи)ни қўллаш орқали соҳага тааллуқли бўлмаган акциядорлик жамиятларидаги эмитентнинг улушини фонд бозори орқали очик обуна тартибида жойлаштириш ва аҳолининг бўш молиявий ресурсларини қимматли қоғозлар бозорига жалб этиш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

аҳолининг бўш молиявий ресурсларини фонд бозорига жалб этиш мақсадида даромадли молиявий активларни кўпайтириш, яъни акциядорлик жамиятлари акцияларига берилаётган дивидендларни нақд пул ёки автоматлаштирилган махсус молиявий технологиялар тизими орқали тўлаш имкониятлари асосланган;

акциядорлик жамиятиларининг қисқа ва узоқ муддатли корпоратив облигацияларини эмиссия қилиш ва қимматли қоғозлар бозорида аҳоли



ўртасида очик жойлаштириш орқали молиявий маблағларни жалб этиши, янги лойиҳаларга йўналтириши бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

лойиҳаларни молиялаштириш ва инвестицион талабни қаноатлантириш мақсадида акциядорлик жамиятларнинг имтиёзли акцияларини муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозорида очик жойлаштириш зарурияти ва имкониятлари асосланган;

аҳолининг мобил қурилмалардан фойдаланиш даражаси юқорилигини ҳисобга олиб, молиявий технологиялар асосида маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун махсус мобил иловалар яратиш ва амалиётга жорий этиш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Тошкент» Республика фонд биржаси, Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотларига, шунингдек, Жаҳон банки, Жаҳон фонд биржалари федерацияси каби халқаро ташкилотларнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни қимматли қоғозлар бозорига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишнинг назарий жиҳатларини ривожлантириш, жалб қилинган бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда стратегик жиҳатдан қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда фойдаланиш, шунингдек, фонд бозорига маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш мақсадида қабул қилинадиган қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқишда, олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқитиладиган «Молия бозори» фанининг мавзуларини такомиллаштиришда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

узоқ муддатли лойиҳалар бўйича қатъий фоизли корпоратив облигацияларни аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозорида очик жойлаштириш бўйича таклифи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 9 июлидаги ПҚ-4388-сон қарори бўйича тасдиқланган «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг янги Низомига мувофиқ «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг 2021 йил учун бизнесни юритиш стратегиясига киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖининг 2021 йилнинг 8 январидagi 03/21-1-9-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур амалиёт истиқболда акциядорлик жамияти томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда диверсификациялаш имконини берган;

пулнинг вақт бўйича қиймат концепциясини киритиш орқали дивидендларни тўлашда кунлик сарфланадиган вақтни 2 бараварга ҳамда ташкилий харажатларни 15 фоизга камайтириш бўйича таклифи «Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» АЖнинг 2021 йил учун бизнесни юритиш стратегиясига киритилган («Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 4 мартдаги НП-31/02-156/1-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур амалиёт орқали дивиденд тўловларини амалга ошириш молиявий технологиялар асосида жорий этилган ва дивиденд тўловлари учун сарфланадиган вақт 2 бараварга ҳамда ташкилий харажатлар 15 фоизга камайган;

фонд бозорига инвестициялар йўналтиришда йиллик инфляциян кутилмаларни ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозлар бозор баҳоси прогнози орқали молиявий активларнинг ойлик сотиб олиш ва сотишнинг нисбий чегарасини белгилаш бўйича таклифи «Фарғона донмахсулотлари» АЖ ва «Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» АЖларнинг бизнес стратегияси бўйича «Hamkorbank», «Қизилқумцемент», «Кварц», «O‘zbekiston sanoat – qurilish banki» АЖ, «Vuxoro Markaziy dehqon bozori» АЖлар қимматли қоғозларига инвестиция киритиш амалиётида фойдаланилган («Фарғона донмахсулотлари» АЖ 2021 йил 14 январдаги 7-сон ва «Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 4 мартдаги НП-31/02-156/1-сон маълумотномалари). Натижада, акциядорлик жамияти фонд бозори орқали рентабеллиги юқори бўлган молиявий активларга инвестиция киритиш имконияти орқали қўшимча даромадга эга бўлган;

СПО (иккиламчи оммавий таклифи)ни қўллаш орқали соҳага тааллуқли бўлмаган акциядорлик жамиятларидаги эмитентнинг улушини фонд бозори орқали очик обуна тартибида жойлаштириш ва аҳолининг бўш молиявий ресурсларини қимматли қоғозлар бозорига жалб этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 9 июлидаги ПҚ-4388-сон қарори 5-иловасига мувофиқ «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти ва унинг таркибига кирувчи сервис ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар устав капиталидаги улушлари Давлат активларини бошқариш агентлигига берилган ва фонд бозори орқали сотувга чиқарилган («Ўзбекнефтгаз» АЖининг 2021 йилнинг 8 январидagi 03/21-1-9-сон маълумотномаси). Натижада, соҳага тегишли бўлмаган активларни сотиш орқали акциядорлик жамияти қўшимча равишда молиявий ресурсларга эга бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 9 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда молиявий маблағларни жалб қилишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида қимматли қоғозлар бозорига бўш пул маблағларини жалб қилишнинг назарий-услубий эволюцияси, аҳолининг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига жалб қилиш моделлари ва қиёсий таҳлиллари, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ва унинг ривожланиш босқичлари атрофича тадқиқ этилган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилган.


Қимматли қоғозлар бозорида давлат ва корпоратив эмитентларнинг қимматли қоғозлари (акция, облигация, вексель ва бошқалар) савдоси амалга оширилади. Қимматли қоғозлар бозорига бўш пул маблағларни жалб қилишнинг назарий-услубий эволюциясида қимматли қоғозларга мулк сифатида қаралиши алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, иқтисодчи олимлардан Keith Dickinson «эмитент томонидан қаралганда икки турдаги қимматли қоғоз мавжудлигини таъкидлаб, биринчисида, компания унинг қимматли қоғози кимдалигини билишга мажбур ёки истайди. Ушбу ҳолатда қимматли қоғозлар эгалари бўйича реестр юритилади ва рўйхатдан ўтказилади. Иккинчи ҳолатда, эмитент қимматли қоғозларига ким эгалик қилаётганини билиши ёки рўйхатдан ўтказишга мажбур эмас».<sup>10</sup> Компания улуши сифатида мулк ҳуқуқини берувчи қимматли қоғозлар – акцияларнинг эгаси кимлигини билиш ва улар бўйича рўйхатлар шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, қимматли қоғоз чиқарувчи – эмитент доимий

<sup>10</sup> Keith Dickinson Financial markets operations management/ Wiley Printed in Great Britain by TJ International Ltd, Padstow, Cornwall, UK – 2015/ 474 pages

равишда ўз фаолиятидаги йирик ўзгаришларни ўзининг акциядорларига эълон қилиб бориш ва бошқарувга доир қарорлар қабул қилишда уларнинг иштирокини таъминлаши лозим. Иккинчи тоифа қимматли қоғозлар эса, одатда, эмитент томонидан қарз мажбурияти сифатида чиқарилган корпоратив облигациялар бўлиб, уларга кимлар эгалик қилишини билиш компания учун муҳим аҳамият касб этмайди.

Қимматли қоғозларнинг дастлабки эволюцион ривожланиши даврида векселларнинг тўлов воситаси сифатида ишлатилиши ўзаро савдо ва тижорат операциялари хавфсизлигини таъминлаган бўлиб, одатда ушбу турдаги қимматли қоғозлар бир ҳудуддан бошқа ҳудудга молиявий ресурсларни олиб юришда турли муаммолар (талончилик, ўғрилиқ) мавжуд бўлган ҳолатларда, шунингдек, савдогарларнинг ўз маблағларини бир валютадан бошқа валютага ишончли тарзда алмашиш воситаси сифатида ишлатилган.

Қимматли қоғозлар кўринишидаги молиявий активларнинг муомаласи 1815 йиллардан бошланиб, умумий салмоғда 1980 йилгача бир текисда кўтарилиб борган. Йирик фонд биржаларининг пайдо бўлиши ва иқтисодийнинг жадаллашуви қимматли қоғозларга бўлган талабни кучайтирди (1-расм).



**1-расм. Жаҳонда пул ва қимматли қоғозларнинг иқтисодийдаги айланмаси, фоизда<sup>11</sup>**

Бу борадаги ривожланиш қимматли қоғозлар бозори моделлари юзага келишига сабаб бўлди. Мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиб бориш даражасига кўра унинг моделлари ҳам ўзгариб боради. Иқтисодий адабиётларда<sup>12</sup> қимматли қоғозлар бозорининг тўртта асосий моделлари – банклар назорати остидаги қимматли қоғозлар бозори, мамлакат молия вазирлиги томонидан назоратга олинган қимматли қоғозлар бозори, махсус давлат органлари томонидан назоратга олинган қимматли қоғозлар бозори, аралаш назоратга эга қимматли қоғозлар бозори ажратиб кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг вужудга келиши ва ривожланиши босқичларини қуйидагича келтириш мумкин (1-жадвал).

<sup>11</sup> Грибов А.Ю. Институциональная теория денег: сущность и правовой режим денег и цб.–М.:РИОР, 2008.–200 с. – 48 с.

<sup>12</sup> Рынок ценных бумаг и биржевое дело: у. п./сост. Т.П.Ихсанова, Ж.А.Садкова.-Хабаровск:РИЦ ХГАЭП, 2013. – 164 с.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш босқичлари<sup>13</sup>

№	Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш босқичлари	Йиллар	Даврнинг ўзига хос хусусиятлари
1	Мустақил биржаларнинг пайдо бўлиши	1991 - 1993 йиллар	Республикада қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунга кўра фонд биржаларининг устав фондлари оширилди (50 млн. рубль) ва уларнинг фаолиятига қўйилган стандарт талаблар жорий этилди.
2	Қимматли қоғозлар бозорига миллий иқтисодиётдаги молиявий ресурсларнинг кириб келиши	1994 - 1999 йиллар	«Тошкент» Республика фонд биржаси ташкил этилди ва электрон биржа тизими барпо этилиши, компанияларнинг акциядорлик жамиятларига ўтказилиши ва уларнинг акцияларини харид қилиш орқали маблағларни миллий иқтисодиётга жалб этилишига эришиш бўйича амалий ишлар олиб борилди.
3	Қимматли қоғозлар бозорининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштирилиши ва халқаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши	1999-2007 йиллар	Қимматли қоғозларнинг ишончлилиқ ва стандарт талабларга жавоб беришини таъминлаш мақсадида ««Тошкент» РФБда қимматли қоғозлар листинги тўғрисидаги» ҳамда ««Тошкент» РФБда расмий дилер (маркет мейкер)нинг мақоми тўғрисидаги» низомлар қабул қилинди.
4	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миллий қимматли қоғозлар бозорига таъсири	2008-2012 йиллар	Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори асосий иштирокчилари сифатидаги тижорат банкларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инқирозга қарши захира фондларини кўпайтириш чоралари кўрилди, хорижий инвесторларнинг фонд бозоридаги фаоллиги пасайди.
5	Қимматли қоғозлар бозорининг янги электрон савдо платформаси ишга тушиши ва унда жисмоний шахсларнинг иштирокини соддалаштирилиши	2012-2016 йиллар	«Фонд бозорининг ягона дастурий-техник комплекси»га хизмат кўрсатиш ва назоратга олиш мақсадида «Фонд бозорининг ахборот-ресурс маркази» давлат унитар корхонаси тузилди. Қимматли қоғозлар савдосини электрон тарзда тез ва самарали амалга оширувчи дастурий таъминот ишга туширилди.
6	Фонд бозорига инвесторларни кенг жалб этиш ва капитал бозорининг замонавий концепцияси	2017 йилдан-ҳозирги кунгача	Фонд бозорининг замонавий концепцияси ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди ва 2021 йилдан унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига жалб этишнинг дастлабки амалиёти сифатида 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заём облигациялари муомалага чиқарилиши ва

<sup>13</sup> «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган: <https://uzse.uz/abouts/history>

уларнинг 1992-1994 йиллар оралиғида аҳоли ўртасида жойлаштирилишини кўриб чиқишимиз мумкин. Ушбу облигацияларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заём облигацияларини индексация қилиш коэффициентларини белгилаш тўғрисида»ги 209-сон Қарори асосида индексациялаш коэффициенти белгиланди ва 2014 йилнинг 1 августидан тўловлар амалга оширилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги ички ютуқли заёми облигациялари нархи ва сўндирилиш коэффициенти<sup>14</sup>

Облигацияларнинг номинал қиймати, сўм	500	1000	250
Жами режа бўйича тарқатилиши керак бўлган облигациялар, млн.сўм	5500(ютуксиз)/2500 (ютукли)		
Индексациялаш коэффициенти	1,373 (1994 йилдан 2014 йилгача энг кам иш ҳақи 1 373 марта ошганлиги ҳисобидан)		

Мамлакатдаги иқтисодий вазият, валютанинг алмашиши ва инфляция даражасининг юқорилиги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 12 фоизли ички ютуқли облигациялари сўндирилиш қийматига таъсир этди ҳамда аҳоли ўртасида қимматли қоғозлар бозорига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келди. Номинал қиймати 250, 500 ва 1 000 сўмлик бўлган Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли облигациялари сўндирилишида 1994 йилдаги миллий валютанинг ўзгариши, яъни 1000 рубль = 1 сўм бўлганлиги ва мамлакатда инфляция даражасининг юқорилиги туфайли кутилаётган натижага эришилмади. Таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, 500 сўмлик облигациянинг сўндирилиш ва бозор баҳоси қийматдаги фарқи – 12 444,70 сўмни ташкил этган ва бу ҳолат ўз жамғармасини инвестиция қилган фуқаролар учун салбий йўқотиш бўлиб, уларнинг қимматли қоғозлар бозорига бўлган қизиқиши ва ишончини сўндирган.

Диссертациянинг «**Қимматли қоғозлар бозорига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилинишининг ҳозирги ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда аҳолининг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига жалб қилиш амалиёти, қимматли қоғозлар бозори орқали бўш пул маблағларини жалб этишда акцияларни бирламчи (IPO), иккиламчи оммавий таклифи (SPO) жараёни ва унинг таҳлили, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорига молиявий маблағлар жалб қилишни эконометрик моделлар орқали баҳолаш амалга оширилган.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорларида давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларни эмиссия қилиш имкониятлари (3-жадвал).

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 июлдаги 209-сон «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заём облигацияларини индексация қилиш коэффициентларини белгилаш тўғрисида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 31-сон, 385-модда.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон фонд бозорида қимматли қоғозларни жойлаштириш имкониятлари<sup>15</sup>

№	Қимматли қоғозлар	Ўз. Р. Молия Вазирлиги	Ўз. Р. Марказий банки	ДК	АЖ	МЧЖ	ХК
1	Давлат қимматли қоғозлари	+	+	—	—	—	—
3	Акция	—	—	—	+	—	—
4	Облигация	корпоратив	—	—	+	+	—
		халқаро	+	—	+	+	—
		инфратузилма	+	—	+	+	—
5	Вексель	—	+	—	+	—	—
6	Депозитар тилхатлар	—	—	—	+	—	—
7	Депозит сертификати	—	—	—	+	—	—
8	Опцион	—	—	—	+	—	—
9	Варрант	—	—	—	+	—	—
10	Фьючерс	—	—	—	+	—	—

Изоҳ: + белгиси мавжуд, — белгиси мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд фонд бозорининг бошқарув тизими қимматли қоғозлар бозорининг учинчи моделига, яъни Буюк Британия ва Япония давлатларидаги каби, махсус давлат органлари томонидан назоратга олинган. Йилдан-йилга ушбу бозорнинг иштирокчилари ўзгариб бормоқда (4-жадвал).

### 4-жадвал


#### Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари, дон<sup>16</sup>

№	Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020
1	Корпоратив қимматли қоғозлар эмитентлари	606	603	593
2	Депонентлар (қимматли қоғозлар эгалари)	920 349	923 598	807 301
	Шу жумладан инвестиция фондлари акциядорлари	49 767	49 744	49 727
3	Инвестиция воситачилари	37	39	43
4	Инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар	30	32	34
5	Инвестиция фондлари	8	8	9
6	Фонд биржалари	2	2	2

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига корпоратив қимматли қоғозлар эмитентлари 593 донани ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг январ ойига нисбатан 1,65 фоизга, қимматли қоғозлар эгалари эса 12,59 фоизга камайган бўлса, инвестиция воситачилари 10,2 фоизга ошган. Республикада 2019 йилда 9 та инвестиция фондлари ўз фаолиятини олиб борган. Фонд бозорини янада ривожлантириш ва унга кенг миқёсда маҳаллий инвесторларни жалб этишга таъсир этувчи омиллар сифатида, авваламбор, мамлакатда аҳоли даромадларининг реал ўсиши ва молия бозоридаги инвестиция самарасини кўрсатишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида аҳолининг реал даромадлари ўзгариш динамикасида йиллар кесимида куйидаги ўзгаришни кўриш мумкин (2-расм).


<sup>15</sup> “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган: (<https://www.uzse.uz/system/analytics>)

<sup>16</sup> “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган: (<https://www.uzse.uz/system/analytics>)



**2-расм. Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг ўзгариш динамикаси, фоизда<sup>17</sup>**

2-расм таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилда мамлакатимизда аҳолининг умумий даромадлари 129,3 фоизга кўпайган бўлса, реал даромадларнинг ўзгариши 10 фоизни ташкил этган. Аҳолининг жон бошига ҳисобланган реал даромадлари 2017 йилда 107,2 фоизга, 2018 йилда 108,1 фоизга ошган. Умумий ҳисобда сўнгги 5 йилликда аҳолининг ўртача умумий даромадлари 120,6 фоизга, реал даромадлари ўзгариши 107,7 фоизга, аҳолининг жон бошига реал даромадларни эса 105,8 фоизга ошган. Бу албатта, кам бўлса-да аҳолида фонд бозорига кўшимча маблағ киритиш имконини беради. Республикаимизда аҳолининг мол-мулкдан оладиган даромадлари таркибида қимматли қоғозлар бозори орқали оладиган даромадлари ҳам киради (3-расм).



**3-расм. Мол-мулкдан олинган даромадлар таркиби, фоизда<sup>18</sup>**


2020 йил натижаларига кўра, аҳолининг мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулкый даромадлар 44,8% ни, дивидендлар – 35,2% ни, қимматли қоғозлар бўйича фоизлар 19,6% ни ҳамда муаллифлик ҳақидан олинган даромадлар 0,4% ни ташкил этиб, олдинги йилларга нисбатан қимматли қоғозлар бозоридан фойда олиш салмоғи юқорилаган.

Бўш молиявий ресурсларни фонд бозорига жалб этишда қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилар таркибини, хусусан, қимматли қоғозлар эгалари таҳлилин амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Республикаимизда қимматли қоғозлар бозори, асосан, «Тошкент» РФБ ва «Элсис савдо» акциядорлик жамиятлари томонидан ташкиллаштирилади. Уларда инвесторлар таркиби қуйидагича (4-расм):

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий веб сайти маълумотлари (<https://stat.uz>)

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси расмий маълумотлари (<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>)





#### 4-расм. «Тошкент» РФБда инвесторлар кесимида биржа айланмаси, фоизда<sup>19</sup>

Аён бўлмоқдаки, «Тошкент» РФБда 2017 йил жами фонд бозори айланмасида жисмоний шахсларнинг улуши 32,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 2,4 фоизли пунктга камайган.

Фонд бозорида облигацияларнинг айланмаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Халқаро капитал бозори ассоциациясининг маълумотларига кўра, дунёда облигациялар савдоси 2020 йилнинг 8 ой давомида 128,3 трлн. АҚШ доллари<sup>20</sup>га яқин бўлган. Республикамиз фонд бозорида корпоратив облигацияларнинг айланмаси куйида кўрсатиб ўтилган (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Фонд бозорида облигациялар савдоси бўйича маълумот<sup>21</sup>

Эмитент номи	Облигация					2020 йил бўйича савдо ҳажми, млрд сўм.
	Номинал қиймати	Миқдори	Фоиз ставкаси	Жойлаштириш муддати	Сўндирилиш муддати	
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	100 000	100 000	ҚМС – 1%	10.08.2012	15.08.2022	-
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	1 000 000	50 000	ҚМС + 2%	05.12.2019	03.12.2022	49,850
«Asia Alliance Bank» АТБ	1 000 000	50 000	ҚМС + 4%	16.07.2019	15.07.2026	13,418
«Invest Finance Bank» АТБ	1 000 000	100 000	-*			0,001
«Kapitalbank» АТБ	1 000 000	50 000	ҚМС + 5%	24.04.2020	21.05.2027	-
«First developing group» МЖЧ	1 000 000	5 125	8%+ДД/РД	04.02.2021	03.02.2022	-
«Imkon finans mikroredit tashkiloti» АЖ	1 000 000	4 000	23%	30.12.2020	08.01.2024	-
«Chust rir mikroredit tashkiloti» МЖЧ	1 000 000	2 000	24%	03.04.2021	16.03.2024	-
«UzbekLeasingInternational»АЖ	10 000 000	800	18 %	24.02.2020	05.03.2021	2,528
«UzbekLeasingInternational»АЖ	10 000 000	800	19 %	24.02.2020	04.03.2022	1,039
«UzbekLeasingInternational»АЖ	10 000 000	900	20 %	24.02.2020	03.03.2023	0,504
<b>Жами</b>		<b>313 625</b>				<b>67,343</b>

Изоҳ: \* фонд бозорига облигациялар жойлаштириш шартлари бажарилмаганлиги сабабли бекор қилинган.

ҚМС – Ўз. Р. Марказий Банкининг қайта молиялаштириш ставкаси; ДД – Девальвация даражаси; РД – Ревальвация даражаси.

«Тошкент» РФБда 2020 йил натижаларига кўра 6 турдаги облигациялар билан савдо операциялари амалга оширилган бўлиб, жами 67,343 млрд. сўмни ва бошқа молиявий активларга нисбатан умумий ҳисобда 11,5 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолатни облигацияларнинг номинал қиймати аҳолининг харид қобилиятдан юқорилиги ва фоиз ставкаси пастлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари ўзи чиқараётган акцияларни оммавий жойлаштириш йўли билан очик обуна ва хусусий

<sup>19</sup> «Тошкент» РФБ расмий маълумотлари: (<https://www.uzse.uz/system/analytics>)

<sup>20</sup> <https://www.icmagroup.org/Regulatory-Policy-and-Market-Practice/Secondary-Markets/bond-market-size/>

<sup>21</sup> «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган: (<https://www.uzse.uz/abouts/bonds>)

жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна сифатида фонд бозорларида оммавий жойлаштиришни ташкил этиши мумкин. Акцияларни оммавий жойлаштириш хорижий мамлакатлар фонд бозорлари амалиётида бир неча турларга бўлинади (5-расм).



**5-расм. Қимматли қоғозлар бозорларида акцияларни жойлаштириш<sup>22</sup>**

Акцияларнинг биржадан ташқари жойлаштирилиши – DPO (Direct Public Offering) одатда, фонд бозорини четлаб ўтган ҳолатда инвесторга тўғридан-тўғри компания қимматли қоғозларини таклиф этиш бўлса, янги акциядорлик жамияти ташкил этилганда акцияларини фонд биржасида оммавий жойлаштирилиши – IPO (Initial Public Offering), иккиламчи жойлаштириш жараёни – Follow-on, компания қимматли қоғозларини (акция, облигация, депозитор векселлар)ни оммавий жойлаштириш – PPO (Primaries Public Offering), йирик акциядорнинг акцияларини оммавий жойлаштириш жараёни – SPO (Secondary Public Offering), маълум тоифа инвесторлар учун акцияларнинг ёпиқ тарзда жойлаштирилиши – PO (Private placement ёки Private Offering), акциядорлар келишилган ҳолатда бир вақтда акцияларни оммавий жойлаштириш жараёни – PBO (Piggyback Offering) деб номланади.

Республикамиздаги акциядорлик жамиятларида давлатнинг улуши юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнида давлат акциядорлик жамиятларини фонд бозорларида хусусий инвесторларга SPO орқали сотиш самарали ҳисобланади.

#### **6-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорларида рентабеллиги юқори бўлган молиявий активлар<sup>23</sup>**

Акциядорлик жамияти номи	Акция номинал баҳоси, сўм	Акция бозор баҳоси, сўм		Дивиденд тўлови, сўм	Молиявий активдан фойда		Нисбий сотиб олиш нархлари
		01.01.2020	31.12.2020		Сўмда	Фоизда	
							2020 й.
Ўзтемир йўл контейнер	1 000	4 000	35 010	3 000	34 010	850	1 000 - 41 781
Қизилқумцемент	1 570	1 604	3 899	460	2 755	171	1 570 – 11 134
Олмалиқ кон-металлургия комбинати	3 914	3 914	3 914	9 626	9 626	246	3 914 – 64 186
ЎРТХБ	630	15 000	8 000	2490+8000*	10 490	70	630 – 6 487

Изоҳ: \* капиталлашув ҳисобига 1 дона акцияга қўшимча 1 дона акция эмиссия қилинган.

Таҳлиллар кўрсатадики, 2020 йил якунлари бўйича қимматли қоғозлар бозорларида рентабеллиги юқори бўлган молиявий активлар сифатида:

<sup>22</sup> Алексеева И.А., Турченко А.А. Понятие и виды IPO.// Финансовый менеджмент № 4.–2009

<sup>23</sup> “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

«Ўзтемир йўл контейнер», «Қизилқумцемент», «Олмалик кон-металлургия комбинати», «Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси» акциядорлик жамиятларини мисол келтирсак бўлади (6-жадвал).

Республикамизда самарали фаолият олиб бораётган акциядорлик жамиятларидан яна бири «Фарғона дон маҳсулотлари» АЖ ҳисобланиб, унинг фаолият кўрсаткичларини «Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» АЖ кўрсаткичлари билан таққослашимиз мумкин (7-жадвал).

#### 7-жадвал

### «Фарғона дон маҳсулотлари» ва «Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» АЖларнинг фаолият кўрсаткичлари<sup>24</sup>

Кўрсаткичлар	2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	ФДМ	ЎНГҚТ	ФДМ	ЎНГҚТ	ФДМ	ЎНГҚТ
ROE	0,34	10,6	20,94	7,4	33,40	1,11
EPS	2,4	-39,23	6,2	11,08	9,9	25,23
Коэффициент Р/Е	123	-68,82	48	243,68	30	107,01
Дивиденд тўлови оддий акциялар учун, сўмда	245,70	-	762	-	1 888,5	-
Дивиденд тўлови оддий акциялар учун, фоизда	81,90	-	254	-	629,48	-
Дивиденд тўлови имтиёзли акциялар учун, сўмда	60	675	60	270	75	270
Дивиденд тўлови имтиёзли акциялар учун, фоизда	20	25	20	10	25	10

Изоҳ: ФДМ - «Фарғона дон маҳсулотлари» АЖ, ЎНГҚТ - «Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» АЖ

Юқоридаги жадвал асосида кўришимиз мумкинки, «Фарғона дон маҳсулотлари» АЖ 2019 йил натижаларига кўра бир дона акция учун 762 сўмлик дивиденд тўловини амалга оширган бўлиб, ушбу кўрсаткич номиналга нисбатан 254 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, дивиденд тўловлари бўйича «Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» АЖида фақатгина имтиёзли акциялар учун тўловлар амалга оширилган. Бунинг асосий сабабларидан, жамият фаолиятининг рентабеллиги куйи даражадалигидадир, хусусан, 2020 йил бизнес-режаси бўйича соф фойда 445 млн сўм ўрнига ҳақиқатда 32 млн 802 минг сўмга бажарилган.

Тадқиқотимиз доирасида «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2017-2019 йиллардаги самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини ўрганар эканмиз, «2017 йил натижаларига кўра интеграл самарадорлик коэффициенти қиймати 51,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 123,0 фоизни ташкил этган. Шунингдек, 2019 йил якунлари бўйича самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари қийматлари 143,8 фоизни, самарадорликнинг асосий кўрсаткичларига қўшимча бўлган кўрсаткич қийматлари 102,2 фоизни ташкил этган»<sup>25</sup>.

<sup>24</sup> Муаллиф томонидан «Фарғона дон маҳсулотлари» ва «Ўзбекнефтгазқудуктаъмирлаш» АЖларнинг расмий маълумотлари асосида ишлаб чиқилган (<http://openinfo.uz/ru/reports/jsc/annual>).

<sup>25</sup> «Ўзбекнефтгаз» АЖ расмий маълумотлари (<http://ung.uz/shareholders/reports/11/sub/37/1>)

## 8-жадвал

«Ўзбекнефтгаз» АЖнинг акциядорлик капиталининг таркиби<sup>26</sup>,

Кўрсаткичлар (01.03.2021 йил ҳолатига кўра)			Миқдори
Акциялар	Оддий	Дона	43 048 493 329
	Имтиёзли	Дона	24 312 673
Акциядорлар	Юридик шахслар	Нафар	33
	Жисмоний шахслар	Нафар	57 480
	Хорижий сармоядорлар	Нафар	172
Акциянинг номимнал қиймати		Сўм	500

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятига қўшимча равишда молиявий маблағларни жалб этиш мақсадида, компания 2020 йилнинг 6 апрелида давлат рўйхатидан ўтганлиги тартиб рақами P0178-11 номинали 500 сўмлик жами қиймати 32,370 млрд. сўм бўлган 32 346 704 642 дона оддий акцияларни ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тартиб рақами P0178-11 номинали 500 сўмлик жами қиймати 32,370 млрд. сўм бўлган 23 996 562 дона имтиёзли акциялар эмиссия қилинган.

Аҳоли даромадлари ошиши ўз навбатида, уларнинг жамғаришга бўлган интилишларини оширади. Шунингдек, айрим инсонлар ўз маблағларини банкларга жамғарма-омонат сифатида йўналтирсалар, айримлари бошқа молиявий активларга инвестиция қиладилар. Ўзбекистон Республикасида ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақини ўзгариш динамикасини кузатар эканмиз, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 2 324 614,66 сўмни ташкил этган ва олдинги йилга нисбатан 128 фоизга ўзгарган (9-жадвал).

## 9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи ва қимматли қоғозлар айланмаси ҳажми<sup>27</sup>

Йиллар	Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи, сўм*	Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи ўзгариши (олдинги йилга нисбатан), %	ҚҚ айланмаси, млрд. сўм (РФБ «Тошкент»)	ҚҚ айланмаси ўзгариши (олдинги йилга нисбатан (РФБ «Тошкент»))
2011	628 020,00	124%	213,1	335%
2012	739 670,88	118%	170,7	80%
2013	865 950,92	117%	93,2	55%
2014	1 007 928,85	116%	97,6	105%
2015	1 171 669,26	116%	161,0	165%
2016	1 293 764,27	110%	299,8	186%
2017	1 457 777,99	113%	298,6	99,599%
2018	1 822 687,38	125%	687,3	230%
2019	2 324 614,66	128%	438,82	64%

\* қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, қайта ҳисобланган

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорига молиявий маблағлар жалб қилиш эконометрик моделлари орқали баҳолашни ўрганар эканмиз, республикада ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи ўзгаришининг қимматли қоғозлар айланмаси ўзгаришига ўзаро таъсирини регрессион-корреляцион боғланишлар орқали кўриб чиқамиз. Регрессия параметрларини ҳисоблаш учун қийматлар жадвалини ҳосил қиламиз (10-жадвал).

<sup>26</sup> Муаллиф томонидан «Ўзбекнефтгаз» АЖ расмий маълумотлари асосида ишлаб чиқилган (<http://ung.uz/shareholders/share-capital>)


<sup>27</sup> «Тошкент» РФБ расмий маълумотлари: (<https://www.uzse.uz/system/analytics>)

Регрессия параметрларини ҳисоблаш учун қийматлар жадвали<sup>28</sup>

x (Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи ўзгариши)	y (ҚҚ айланмаси ўзгариши)	x <sup>2</sup>	y <sup>2</sup>	x*y
124	335	15376	112225	41540
118	80	13924	6400	9440
117	55	13689	3025	6435
116	105	13456	11025	12180
